

403 Истиқболли инвестиция таклифларини келишиш механизмини ҳамда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2014 йил 7 апрелдаги ПФ-4609-сон Фармонини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-927-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, лойиҳа ташаббускорлари бўлган вазирликлар ва идораларга, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, хўжалик юритувчи субъектларга потенциал хорижий инвесторлар ва кредиторларни қидириб топишда кўмаклашиш йўли билан хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш жараёнининг самарадорлигини ва тезкорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки:

2014 йил 1 октябрдан бошлаб ташаббускорлар томонидан хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этишни назарда тутувчи инвестиция таклифлари ва лойиҳалар паспортларини давлат бошқаруви ваколатли органларида келишиш электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг «Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси» тизими орқали амалга оширилади;

лойиҳа ташаббускорлари бўлган вазирликлар ва идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар инвестиция таклифлари ва лойиҳалар паспортларини сифатли тўлдириш, уларнинг тўлиқлиги ҳамда Ўзбекистон Республи-

каси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ–927-сон қарори талабларига мувофиқлиги учун шахсан жавоб берадилар.

2. Лойиҳа ташаббускорларининг ҳамда давлат бошқаруви ваколатли органларининг хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этишни назарда tutuvchi инвестиция таклифлари ва истиқболли лойиҳалар паспортларини Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси тизими орқали келишиш жараёни доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги схемаси иловага мувофиқ маъқуллансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Инвестиция таклифларини ва истиқболли лойиҳалар паспортларини киритиш ва уларни «Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси» тизимида келишиш тартиби тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

4. Лойиҳа ташаббускорлари бўлган вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар:

хар йили Давлат инвестиция дастури ва ҳудудий инвестиция дастурлари тегишли равишда тасдиқлангандан кейин 30 кун мобайнида хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш талаб қилинадиган инвестиция таклифлари ва лойиҳалар паспортлари ишлаб чиқилишини ва Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси тизимига киритилишини;

мунтазам равишда инвестиция таклифлари ва лойиҳалар паспортлари параметрлари янгиланишини, кейинчалик уларнинг Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси тизимида давлат бошқаруви ваколатли органлари билан белгиланган тартибда келишилишини таъминласинлар.

5. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат алоқа қўмитаси билан биргаликда тизимли асосда: лойиҳа ташаббускорлари бўлган вазирликлар ва идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси тизимидан фойдаланишнинг устунликлари тўғрисида тушунтириш ишларининг олиб борилишини;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш ҳамда ўзлаштириш жараёнини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 24 июлдаги ПҚ–927-сон қарори талабларини сўзсиз бажариш учун Инвестиция таклифларининг ягона электрон базаси тизимини, уни Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали билан интеграциялаштирган ҳолда электрон тарзда тўлдириш механизмнинг амалда қўлланилиши, зарур даражада фаолият кўрсатиши ва такомиллаштирилиши юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-

32 (636)-сон

— 95 —

403-модда

публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 4 август,
215-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 4 августдаги 215-сон қарорига
ИЛОВА

403-модда

**Лойиҳа ташаббускорларининг ҳамда давлат бошқаруви ваколатли органларининг
хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этишни назарда тутувчи
инвестиция таклифлари ва истиқболли лойиҳалар паспортларини Инвестиция
таклифларининг ягона электрон базаси тизими орқали келишиш жараёни
доирасидаги ўзаро ҳамкорлиги
С Х Е М А С И**

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Лойиҳа ташаббускори (вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, хўжалик юритувчи субъектлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари)	1. Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этишни назарда тутувчи инвестиция таклифи ва лойиҳа паспортининг электрон тарздаги шаклини тўлдиради. 2. Инвестиция таклифини ва лойиҳа паспортини келишиш учун Иқтисодиёт вазирлигига юборади. 3. Келишилган инвестиция таклифини ва лойиҳа паспортини (ХМТ ва ХХМТ* маблағларини жалб этиш назарда тутилаётган лойиҳалар бўйича) Молия вазирлигига юборади. 4. Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган инвестиция таклифини ва лойиҳа паспортини (ХМТ ва ХХМТ* маблағларини жалб этиш назарда тутилаётган лойиҳалар бўйича) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига юборади.	1) ҳар йили Давлат инвестиция дастури ва ҳудудий инвестиция дастурлари тегишли равишда тасдиқлангандан кейин 30 кун мобайнида; 2) маълумотлар киритилишига кўра; 3) таклиф тушгандан кейин 10 кун мобайнида; 4) келишилишига кўра.
	Давлат рақобат қўмитаси	Хорижий потенциал инвесторларни жалб этишни назарда тутувчи хусусийлаштираётган объектлар ва давлат активлари бўйича электрон тарздаги шаклни тўлдиради ва Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига юборади.	зарурият бўлганда.

Босқич-лар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
2-босқич	Иқтисодиёт вазирлиги	1. Истиқболли инвестиция таклифларининг йиғма рўйхатини, кейинчалик Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан хорижий инвесторларни ва кредиторларни жалб этиш масаласи ишлаб чиқиши учун шакллантиради. 2. Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этишни назарда тутувчи инвестиция таклифини ва лойиҳа паспортини кўриб чиқади ва келишиб олади.	1) ҳар йили истиқболли инвестиция таклифларининг йиғма рўйхати ва Худудий инвестиция дастурлари тасдиқланишига кўра; 2) таклиф тушгандан кейин 10 кун мобайнида.
	Молия вазирлиги (хорижий кредитлар жалб этилган тақдирда)	Ҳукумат кафолати остида имтиёзли хорижий кредитларни жалб этишни назарда тутувчи инвестиция таклифини ва лойиҳа паспортини кўриб чиқади ва келишиб олади.	таклиф тушгандан кейин 10 кун мобайнида.
3-босқич	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этишни назарда тутувчи инвестиция таклифи ва лойиҳа паспортини келишиб олади ва «Ўзинфоинвест» агентлигининг сайтида эълон қилади.	Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан келишилган таклиф тушгандан кейин 3 кун мобайнида.

Изоҳ: *ХМТ — халқаро молия ташкилотлари; ХҲМТ — хорижий Ҳукумат молия ташкилотлари.